

Фикҳ дарслари (65-дарс). Фикҳнинг таърифи



19:05 / 26.12.2019 1887

«Фикҳ» сўзи луғатда дақиқ фаҳми, яъни бир нарсани нозик жойларигача тушунишни англатади.

Шариат истилоҳида эса шаръий далиллардан фаръий ҳукмларни чиқаришга «фиқҳ» деб айтилади.

Ушбу таърифдаги «шаръий далил» истилоҳидан асосан Қуръони Карим оятларини ва Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини тушунамиз.

«Фаръий ҳукмлар» эса луғатда аслийнинг тескариси, яъни шохобча, кичик аҳамиятли деган маънони англатади.

Шариатда эса ибодат ва муомалотларни ўз ичига олувчи ҳукмлар фаръий ҳукмлардир.

Фикҳнинг маъноси Қуръонда келганига ва унинг аҳамияти қанчалар юксаклигига Тавба сурасидаги қуйидаги ояти карима ҳам далолат қилади:

طَائِفَةٌ مِّنْهُمْ فَرَقَةٌ كُلٌّ مِّنْ نَّفَرٍ فَلَوْلَا كِفَاةٌ لَّيَنْفِرُوا الْمُؤْمِنُونَ كَانُوا وَمَا

يَحْذَرُونَ لَعَلَّهُمْ إِلَيْهِمْ رَجَعُوا إِذَا قَوْمَهُمْ وَلِيَنْذِرُوا الدِّينَ فِي لَيْسَفَقَهُمْ ۝۱۲۲

«Мўминлар ёппасига (жангга) қўзғалишлари лозим эмас. Ҳар жамоадан бир нафар тоифа бўлсайди. Динни чуқур англаб, қайтиб келган вақтларида қавмларини огоҳлантирар эдилар. Шоядки, улар ҳазир бўлсалар» (122-оят).

Бу ояти каримани уламоларимиз икки хил тафсир қилишган. Биринчи тоифа:

«Мўминларнинг ҳаммалари (жангга) қўзғалишлари лозим эмас. Ҳар жамоадан бир нафар тоифа бўлсайди, шунда жангга қўзғалмай қолар эдилар. Улар динни чуқур англаб, жиҳодга кетганлар қайтиб келган вақтларида қавмларини огоҳлантирадидилар. Шоядки, улар (яъни жиҳодга кетганлар) ҳазир – эҳтиёт бўлсалар», деган маънони илгари сурадидилар.

Иккинчи гуруҳ уламоларимиз эса:

«Мўминларнинг ҳаммалари (жангга) қўзғалишлари лозим эмас. Ҳар жамоадан бир нафар тоифа бўлсайди. Улар (жангга қўзғалардилар ва жиҳод давомида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бўлган мулоқотларда) динни чуқур англаб, (ўрганар эдилар. Жиҳоддан) қайтиб келган вақтларида қавмларини огоҳлантирадидилар. Шоядки, улар (яъни жиҳодга чиқмай қолганлар ҳам) ҳазир бўлсалар», деган маънони таъкидлайдилар.

Кўпчилик тафсирчиларда биринчи фикр олинган бўлса-да, иккинчи фикр ҳам кучли ҳисобланади.

Нима бўлганда ҳам, ояти карима ва уламоларимизнинг унга турли ёндашувларидан Ислом дини ўз динимизни чуқур англаб етишга қанчалик юқори аҳамият бергани яққол кўриниб турибди. Ҳатто жиҳодга бормай

қолишга узр бўладиган бирдан-бир нарса ҳам диний илмларни чуқур ўрганиш учун бўлган ҳаракат бўлиши мумкин экан.

Агар ушбу ояти каримани ўрганишда иккинчи хил тафсир қилган уламоларимиз йўлидан борадиган бўлсак, қирғин-барот уруш бўлиб турганда ҳам Исломни чуқур ўрганишга ҳаракат қилиш лозимлиги таъкидланганини кўрамиз.

Бу ҳолат Ислом жамияти диний илмларни чуқур эгаллаган уламоларни кераклигича тайёрлашга алоҳида эътибор бериши лозимлигини кўрсатади. Шу билан бирга, уламоларнинг жамиятдаги ўринлари ва масъулиятлари юксак эканини ҳам таъкидлайди.

Шунингдек, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам фикҳни алоҳида мадҳ қилганлар. Мисол учун, қуйидаги ҳадисни олишимиз мумкин.

???? ????????????? ?????? ?????? ?????????? ???
????????????? ??? ?????? ?????? ?????? ??????: «???? ??????
?????? ?????? ?????????? ?????????????????? ??? ??????????».
????????? ??????????????????

Муовия розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ кимга яхшилиқни ирода қилса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

«Фикҳ» сўзи, аввал айтиб ўтганимиздек, луғатда бир нарсани дақиқ жойларигача тушунишни англатганидан, шариат ҳукмини дақиқ жойларигача тушунишни таъминлайдиган илм ҳам «фиқҳ» дейилади. Ана

шундай илмий малакага эга бўлган одамни «фақиҳ» дейилади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ кимга яхшилиқни ирода қилса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди»,
демоқдалар.

Демак, дин таълимотларини яхши тушунадиган бўлиш банда учун катта бахт-саодатдир, унга Аллоҳ таоло яхшилиқни ирода қилганининг аломатидир. Чунки диний илмни ҳам бандага Аллоҳ таолонинг Ўзи беради.

«Кифоя» китобининг 1-жузидан